



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI  
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI



CONSUMER PROTECTION AGENCY  
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy. Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53  
ishonch tel.: 1159, www.consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz e-xat: consumer@xat.uz

001460

“25” 02 2020 y. № 01-06/537

### Оммавий ахборот воситалари, Реклама тарқатувчи воситалар, Реклама агентликларига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5817-сон Фармониغا мувофиқ, реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлигининг (Агентлик) асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Охирги пайтларда айрим оммавий ахборот воситаларида турли акциялар, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбирлар рекламасининг қўлами кўпайиб бормоқда.

Мазкур акцияларнинг аксариятида “*Сотиб олинг ва машина эгаси бўлинг*”, каби рекламалар кўплаб учрамоқда. Шунга ўхшаш ноаниқ ёки маъноси бўртирилган рекламалар ўз навбатида истеъмолчиларни чалғитишига олиб келмоқда. Бунга “*Piyoda keling!*”, “*Mehmonimiz bo'ling va Qimmatbaho MEBEL YUTIB OLING!*”, соқларининг “*Оч ва ютиб ол!*”, “*Утоли жажду и выиграй миллион*”, “*Kutib oling, Malibu yutib oling!*” маъносидаги рекламалари мисол бўла олади.

Таъкидлаб ўтиш жойизки, Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига асосан ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган, реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, реклама воситаларида акция рекламаларини тарқатишда Ўзбекистон Республикасининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилишини сўраймиз.

Директор

Э.Хаитметов